



ТИЖОРАТ БАНКЛАРНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИ ВА УНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Рахматов Азизжон

катта ўқитувчи, Тошкент молия институти.

Email: azizjon.raxmatov@bk.ru

ORCID: 0000-0001-5994-360X

LEVEL OF CAPITALIZATION OF COMMERCIAL BANKS AND WAYS TO INCREASE IT

Rakhmatov Azizjon

senior teacher, Tashkent financial institute.

Email: azizjon.rakhmatov@bk.ru

ORCID: 0000-0001-5994-360X

JELClassification:G2,G21

Аннотация: Уибу мақолада тижорат банклари капиталлашуви оширишининг замонавий усулларининг назарий ва ҳуқуқий асослари келтирилган. Республика банк тизимишинг молиявий барқарорлигини янада ошириши, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ўстириши, уларнинг инвестициявий фаолиятини кучайтириши ҳамда ички манбалар ҳисобидан иқтисодиётни таркибий ўзгартириши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириши учун йўналтириладиган кредитлар ҳажсларини кўпайтириши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мавсади ҳисобланади. Бунда албатта, банклар капиталлашуви даражасини уларнинг устав капиталларини ўстириши ҳисобига ошириши, акцияларни чиқариш ва фонд бозорларида жойлаштириши орқали жами капиталнинг ҳар иили камида 20 фоиз ўсишини таъминлаш керак бўлади. Айни вактда, республикамиз тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириши мақсадида ечимини топиш лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд.

Хусусан, тижорат

банкларининг капиталлашув даражаси сустлиги, давлат бюджети маблаглари ҳисобидан охирги йилларда катта миқдорда маблаглар йўналтирилиши, фонд бозорида тижорат банкларининг эмитент ҳамда инвестор сифатидаги фаол эмаслиги, ўз мижозларига етарли даражада сифатли хизмат кўрсата олмаётганлиги, ресурслар базасининг заифлиги, банк капиталишининг ЯИМдаги улушини пастлиги ва бошқа шу каби муаммолар мавжуд.

Уибу мақолада тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириши ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаши, уларнинг капитали миқдори ва динамикаси, уставининг минимал талаблар бўйича таҳлил қилинган ва уларга тегишили хуносалар берилган. Шунингдек, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириши бўйича татқиқот олиб борган хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганган ҳолда хуоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Abstract: This article presents the theoretical and legal basis of modern methods of increasing the capitalization of commercial banks. Increasing the financial

stability of the republic's banking system, increasing the level of capitalization of commercial banks, strengthening their investment activities, and increasing the volume of loans directed to the implementation of strategically important investment projects on the structural transformation of the economy, modernization of production, technical and technological re-equipment at the expense of domestic sources is being implemented in our country. is the main ground of reforms. In this case, it is necessary to increase the level of capitalization of banks by increasing their authorized capital, by issuing shares and placing them on the stock markets, it is necessary to ensure an annual growth of the total capital of at least 20 percent. At the same time, there are a number of issues that need to be solved in order to increase the level of capitalization of the commercial banks of our republic. In particular, the slow level of capitalization of commercial banks, the allocation of large amounts of funds from the state budget in recent years, the inactivity of commercial banks as issuers and investors in the stock market, their inability to provide sufficiently high-quality services to their customers, the weakness of the resource base, the low share of bank capital in GDP, and other there are similar problems.

In this article, increasing the level of capitalization and strengthening the financial stability of commercial banks, the amount and dynamics of their capital, the minimum requirements of the charter are analyzed and relevant conclusions are given. Conclusions and proposals have also been developed after studying the opinions of foreign and local scientists who conducted research on increasing the level of capitalization of commercial banks.

Калим сўзлар; тијкорат банклар, капиталлашув даражаси, ресурс база, капитал, молиявий барқарорлик, устав капитал.

Key words: commercial banks, capitalization rate resource base, deposit, capital, asset and loan.

Кириш. Тијкорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурый шарти ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган. [1]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли №армони билан 2025 йилга қадар банклар устав капиталининг энг кам миқдорини 500 млрд сўмгача босқичма-босқич ошириш белгилланган. [2]

Айни вактда, республикамиз тијкорат банклари капиталлашув даражасини ошириш мақсадида ечимини топиш лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд. Хусусан, тијкорат



банкларининг капиталлашув даражаси сустлиги, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан охирги йилларда катта микдорда маблағлар йўналтирилиши, фонд бозорида тижорат банкларининг эмитент ҳамда инвестор сифатидаги фаол эмаслиги, ўз мижозларига етарли даражада сифатли хизмат кўрсата олмаётганлиги, ресурслар базасининг заифлиги, банк капиталиининг ЯИМдаги улушкини пастлиги ва бошқа шу каби муаммолар мавжуд.

Материал ва метод. Мавжуд иқтисодий адабиётларда «Капитал» “капиталлашув” тушунчалари хорижлик ва маҳаллий олимлар ҳамда мутахассислар томонидан ўрганилган ва тегишли таърифлар берилган.

«Капитал» термини (лотинча *capitalis* – бош, асосий) асосий мол-мулк маъносини англатади. Банк тижорат капитали ўз ичига устав капитал, кўшилган капитал, резерв капитали ҳамда тақсимланмаган фойдани олади. Кўпгина адабиётларда, банк тижорат капитали банкнинг ўз маблағлари тушунчаси билан тенглаштирилади.

Кўпгина иқтисодчилар банк капитали деганда тижорат капитални назарда тутишади ва регулятив капиталга капитал етарлилигини ҳисоблашда аниқланадиган катталик сифатида қарашади. Банк тижорат капитали моҳиятига доир ягона ёндашув мавжуд бўлмай иқтисодий таърифлар унинг у ёки бу жихатлари, функцияларини тавсифлайди.

Жумладан, рус иқтисодчиси Г.Г.Каробова банк капиталига банкнинг иқтисодий мустақиллиги, барқарорлиги ва ишончлилигини таъминловчи, моҳиятига кўра тўлиқ тўланган элемент (фонд)лар мажмуи сифатида қарайди. [3] Ҳақиқатда банк капиталиининг миқдори, унинг молиявий барқарорлиги ва мустақиллигини тавсифлайди. В.П.Ивановнинг фикрича эса «Банк

капитали - бир томондан бозор иқтисодиёти маҳсули, иккинчи томондан эса у тараққиётнинг зарурий шартидир». [4]

Професор В.М.Усоскин банк капиталига банк молиявий ресурсларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида қарайди. [5] Кўриниб турибдики, бу ерда капитал банк ресурсларининг муҳим ва таркибий қисми сифатида қаралиши натижасида унинг асосий вазифалари (химоя, тезкор ва тартибга солиш) эътибордан четда қолган.

Иқтисодчи олима Р.Г.Ольхова банк капиталиининг моҳиятини очища «химоя ёстиғи» сифатида қарайди ва банк кутилмагандан зарар кўрса капитал химоя ёстиғи сифатида кўрилаётган зарар оқибатларини енгиллаштиради ва банкнинг иқтисодий жиҳатдан тўлов қобилиятини тиклаб олиш имкониятини яратади деб ҳисоблайди. [6]

Професор А.Омонов ўзининг “Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари” мавзусидаги иқтисод фанлари докторлик диссертацияда тижорат банкларнинг капиталлашув даражасига таъсир этувчи омилларни батафсил таснифлаб берганлар. [7]

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Ш.Абдуллаева ва А.Омонов банк капиталиининг иқтисодий мазмунига қўйидагicha таъриф берган: «Тижорат банкларининг капитали барқарор манба бўлиб, банкнинг операцион жараёнида кутилмагандан юзага келадиган зарарларни коплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир». [8]


Худди шунингдек, Америкалик иқтисодчилар Крис Дж. Барлтроп ва Диана МакНотоннинг фикрича, банк капитали банк фолиятида юзага келадиган турли хил кўзда тутилмаган

ҳолатларнинг олдини олиш учун етарли резерв бўлиши билан бирга, ўзгарувчан шароитга мослашишда юзага келадиган тўловга қобилиятсизликни бартараф қилишда ёрдам беради ва банк капиталининг ҳажми ҳар бир мамлакатда банк тизими ҳамда унинг иқтисодининг ривожланишига қараб турлича бўлишини таъкидлашган. Бундан ташқари, Крис Барлтропнинг банк капиталига «қимматли» манба сифатида берган таърифини эътироф этган холда, бу ерда ҳам капиталнинг моҳиятига бир томонлама аҳамият берилганини таъкидламоқчимиз. [9] Ҳолбуки, банк капитали нафақат қимматли манба, балки қўшимча манба ва ҳимоя воситаси сифатида ҳам майдонга чиқиши мумкин.

Р.Қурбонов эса ўз илмий тадқиқотларида “Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти” -деб ҳисоблайди. [10,11]

Мақолани тайёрлашда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш бўйича амалий маълумотлар таҳлил қилинди ва барча фойдаланилган маълумотлар амалдаги қонун хужжатлари ва Марказий банкнинг статистик кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан тадқиқ қилинди. Мақолада гурухлаштириш, таққослаш, тизимли ёндашув, ва таркибий таҳлил усуллари кўлланилди.

Натижалар. Республикализ амалиётида йиллар давомида тижорат банклари ресурс базасининг мустахкамланиб бориши кузатилмоқда. Бунда албатта, банкларнинг регулятив капиталининг ўрни ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Республикализ тижорат банклари регулятив капитали охирги йилларда сезиларли суръатларда ўси. Бу эса, мамлакатимиз ҳукумати ва Марказий банк томонидан тижорат банкларининг устав капиталини ошириш сиёсатини олиб борилаётганлиги билан изоҳланади. Умумий холда, республикализ тижорат банкларининг жами капитали динамикасини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.



1-расм. Республикализ тижорат банклар жами капитали динамикаси (йил бошига млрд.сўмда) [12]

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Республикализ тижорат банклари жами капитали

сўнгги ўн йилда 12,2 баробарга ошган. Биргина 2018 йилда банкнинг жами капитали 2019 йилга нисбатан 1,9

баробаридан кўпроқ ўсиб 58351 млрд.сўмни ташкил этди. Бу эса тижорат банклар раҳбариятининг капиталлашув даражасига алоҳида эътибор берилаётганлигини, банк тизимида содир бўлиши мумкин бўлган рисклар оқибатида юзага келувчи йўқотишларни қоплашга етарли бўладиган маблағлар ўз вақтида йўналтиrlаётганлигидан далолат беради.

Мунозара. Бизга маълумки, 2023 йил 1 сентябрдан эътиборан банк устав капиталининг энг кам миқдори 200 млрд.сўмни ташкил этиши керак [13]. Бу бўйича қонун лойиҳаси ўтган йил октябрда анонс қилинган ва қонун апрелда кучга кирган. Яъни Марказий

банк “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, банк устав капиталининг энг кам миқдори 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб икки юз миллиард сўмни ва босқичма-босқич 2025 йил 1 январдан беш юз миллиард сўмни ташкил этиши лозимлиги борасида қатъий ва событ ҳаракатларни амалга оширишини маълум қилмоқда. Аммо, ҳозирги пайтда барча тижорат банклар ҳам белгиланган устав капиталларининг минимал миқдорларини тўлиқ шакллантира олгани йўқ. Буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Тижорат банклар жами ва устав капитали миқдори бўйича гурӯхланиши [12]

| Кўрсаткичлар номи | Жами | | Шулардан (сони бўйича): | | | | | |
|--------------------------------|--------------|-------------------|-------------------------|---------------------------|---------------------------|----------------------------------|--------------------------------|----------------------------|
| | Банклар сони | Сумма (млрд. сўм) | 100 млрд. сўмгача | 100 дан 300 млрд. сўмгача | 300 дан 500 млрд. сўмгача | 500 млрд. сўмдан 1 трлн. сўмгача | 1 трлн. сўмдан 2 трлн. сўмгача | 2 трлн. сўм ва ундан юқори |
| 01.01.2022 йил ҳолатига | | | | | | | | |
| Жами капитал | 33 | 70918 | 2 | 8 | 5 | 2 | 8 | 8 |
| Шундан, устав капитали | 33 | 54760 | 2 | 11 | 7 | 3 | 3 | 7 |
| 01.01.2023 йил ҳолатига | | | | | | | | |
| Жами капитал | 31 | 79565 | 1 | 5 | 4 | 5 | 5 | 11 |
| Шундан, устав капитали | 31 | 59857 | 1 | 7 | 7 | 5 | 4 | 7 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банкларимизнинг жами ва устав капиталини гурӯхлаш натижасида 2023 йил бошига 8 та тижорат банкнинг устав капитали белгиланган минимал миқдор 300 млрд.сўмга етмаяпти. Бу эса асосан хусусий банклар хиссасига тўғри келмоқда. Лекин мазкур талабларга жавоб бермайдиган банклар ўз капиталини мувофиқлаштириш бўйича

бирон жиддий ҳаракатни амалга ошираётгани йўқ. 1 май ҳолатига камида 8та банк яна уч ойдан кейин кучга кирадиган талабларга жавоб бермайди [14]. Шулардан Пойтахтбанк, Равнақ банк, Мадад инвест банк ва Ўзагроэкспортбанк кеча ташкил бўлган эмас, эски банклар.

Бунаقا вазиятда регулятор хисобланган Марказий банк устав капитали минимал талабларга жавоб

бермайдиган банкларга бошқа банкларга қўшилиш тавсия этилишини, акс ҳолда уларнинг лицензияси чақириб олинилишини таъкидлаган [15].

Хулоса. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тижорат тижорат банклари ўзларининг устав капиталини ошириш имкониятларини излаб топишлари керак. Акс ҳолда, банклар Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги ПҚ-5992-сонли Фармонни тўлиқ бажарилмаслигига олиб келади. Бу эса, тижорат банклари фаолиятини давом эттиришини сўроқ остида қолдиради.

Бундан кўринадики, тижорат банкларимиз оз муддат ичидаги устав капиталини миқдорини кескин оширишлари керак. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан чиқариладиган акцияларни жойлаштириш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Банклар томонидан таклиф этилаётган дивидендларнинг ўртача йиллик ставкаси банклардаги депозит ставкалари билан деярли бир хил, бундан ташқари улар ўзгарувчан бўлиб, банк фаолияти билан боғлиқ муаммолар натижасида дивидендлар миқдори камайиб кетиши мумкин. Яна Тижорат банкларнинг капитали таркибида бўлган эмиссион даромадлар деярли сезилмайдиган даражада. Бу ҳолат банкларимиз акциялари қимматбаҳо қоғозлар бозорида деярли номинал баҳоси миқдорида сотилади. Уларнинг бозор (реал) баҳосига таъсир етувчи омиллар йўқлигича қолмоқда.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида, фикримизча, қўйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

1. Давлат томонидан молиявий имтиёзлар қўллаш орқали тижорат

банклар айниқса, хусусий банклар акцияларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва шунинг асосида банклар устав капиталини 2023 йил 1 сентябргача устав капиталининг минимал миқдорларини белгиланган талаблар даражасига келтирилишига эришиш зарур.

2. Тижорат банклари акцияларини иккиласми қимматли қоғозлар бозорида кенг кўламда олди-сотди қилинишини таъминлаш лозим. Бунинг учун аввало тижорат банклари томонидан оддий акцияларга тўланадиган дивидендлар даражасини инвесторлар манфаатига мақбул келадиган даражага етказиш лозим. Бунда хукуматнинг қисқа муддатли облигацияларга тўланадиган фоизлардан асос сифатида фойдаланиш, инвесторларнинг банк акцияларига қилган қўйилмалари ва улардан оладиган даромадларига инфляция даражаси ва валюта курси таъсирини ҳисобга олиш зарур. Кўпгина тижорат банклари устав капиталини ошириш мақсадида соф фойдани асосий қисмининг бир неча йил кетма-кет капиталлаштиришлари уларнинг тўлайдиган дивидендларини камайишига олиб кельмоқда. Соф фойданинг капиталлаштирилишида капитални шакллантириш матрицасидан фойдаланиш ва дивидендларнинг доимий ўсиш тенденсиясини ушлаб туриш лозим. Акс ҳолда иккиласми қимматли қоғозлар бозорида акцияларга бўлган барқарор талабни юзага келтириш ва банк акцияларининг бозор баҳосини аниқлаш имкони бўлмайди.

3. Тижорат банклар томонидан жорий йилда олинадиган соф фойдасини асосий қисмини устав капитални оширишга йўналтиришлари керак.



Умумий олганда, тижорат банклар 2023 йилнинг 1 январигача устав капиталнинг минимал миқдорларини белгиланган талаблар

даражасига етказишмаса, ўз фаолиятини тўхтатиши ёки бошқа банкка қўшилиши мумкин. Бунинг натижаси албатта, банк тизимига салбий таъсир кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6. – 32-б.
- 2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5992-сонли “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ти ПФ- Фармони, 2020 йил 12 май
- 3.** Коробова Г.Г. Банковское дело: Учебник. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Магистр, Инфра-М, 2015. — 592 с.
- 4.** Кисилев В.В. «Управление банковским капиталом» Москва, «Экономика», 1997. с 18.
- 5.** Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. Изд.4, стереотип.– М.: «Ленанд», 2014. с. 328.
- 6.** Банковское дело. Под.ред. проф.О.И.Ловрушина – М.: «КноРус», 2016. с 800.
- 7.** Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2008, БМА, 36 б.
- 8.** Ш.З.Абдуллаева, А.А.Омонов. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. – Т.: «Иқтисод-молия», 2006. 120 б.
- 9.** Крис Дж. Барлтроп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках. Материалы ИЭР. Том II. Всемирный банк. Вашингтон 2002. с 240
- 10.** Kurbanov R. B., Khudoyberganova Z. Z. Matters of the increasement of private banks' capitalization level //Экономика и бизнес: теория и практика. – 2018. – №. 6. – С. 103-105.
- 11.** Курбанов, Р. (2022). Банклар капиталлашув даражасини оширишнинг долзарб масалалари. Economics and education, 23(4), 96-101.
- 12.** <http://www.cbu.uz> –Ўзбекистон Республикаси Марказий банк расмий сайти маълумотлари
- 13.** <https://lex.uz/docs/4581969> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банк расмий сайти маълумотлари
- 14.** https://cbu.uz/oz/press_center/news/1072228/?phrase_id=156551 - Ўзбекистон Республикаси Марказий банк расмий сайти маълумотлари
- 15.** <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1067341/> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банк расмий сайти маълумотлари